

АКИЛОВ ФАРХАД АТАУЛЛАЕВИЧ (ТАВАЛЛУДИННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА)

22025 йил 26 март куни Ўзбекистон урологлар илмий жамияти раиси, Тошкент тиббиёт академияси «Урология» кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Акилов Фархад Атауллаевич 70 ёшга тўлди. У Тошкентда шифокор оиласида туғилган. 1978 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг «даволаш иши» мутахассислиги бўйича тамомлаган, 1978–1980 йилларда клиник ординатурада таҳсил олган. 1980–1982 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-сонли клиник шифохонасининг ўткир бўйрак етишмовчилиги бўлими мудири бўлган. 1982–1985 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтининг «Урология ва оператив нефрология» кафедрасида аспирантурада ўқиган. 1986 йилда «Акушерлик этиологияли ўткир бўйрак етишмовчилигининг клиник-иммунологик тавсифи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1985–2000 йилларда Фархад Атауллаевич ТошДавТИ «Урология ва оператив нефрология» кафедраси асистенти, кейинчалик доценти бўлган. 1994 йилда «Сийдик йўллари инфекциясини комплекс ташхислаш ва даволаш» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2000–2005 йилларда Фархад Атауллаевич Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи, 2005–2006 йилларда Тошкент тиббиёт академияси биринчи проректори ва «Урология» кафедраси профессори, 2006–2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш



вазирлигининг Республика ихтиосослаштирилган урология маркази директори лавозимларида фаолият юритган.

2007 йилдан ҳозирги кунга қадар Тошкент тиббиёт академиясининг «Урология» кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда. 2010 йилда профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Унинг меҳнати 2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофоти – «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Ф.А. Акилов урологиянинг турли муаммолари бўйича 400 дан ортиқ илмий ишлар музаллифи бўлиб, улар узоқ ва яқин хориждаги нуфузли нашрларда чоп этилган. У бир неча бор мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ва хорижда илмий маъruzalар билан чиқишлар қилган, халқаро урологик конгресслар, симпозиумлар, қурултойларда фаол иштирок этиб, бир неча бор турли илмий анжуманлар ташкилий қўмитаси аъзоси бўлган.

Фархад Атауллаевич раҳбарлигига ва бевосита унинг иштирокида Тошкент тиббиёт акаде-

мияси «Урология» кафедрасида урология мутахассислиги бўйича малака тавсифи ва Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастурлари ва магистратура режалари ишлаб чиқилган.

Ф.А. Акилов таълим жараёнинг амалиёт ва фан билан интеграциясини чуқурлаштириш, талабаларга касбий амалий кўнкималарни сингдириш ва таълимнинг дастлабки кунлариданоқ мантиқий фикрлашни шакллантиришнинг фаол тарафдори сифатида намоён бўлмоқда. Унинг раҳбарлигига тиббиёт олий ўқув юртларининг етакчи илмий-тадқиқот институтлари ва магистратура марказлари билан ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди.

Ф.А. Акиловнинг фаолияти давомида Ўзбекистон учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва узоқ хорижнинг етакчи илмий-тиббий марказлари билан яқин алоқалар ўрнатилди. У урологик bemorlarни ташхислаш ва даволашнинг замонавий ҳамда кам инвазив үсувлари бўйича барча илмий тадқиқотлар мажмуасининг координатори ҳисобланади.

Унинг бевосита раҳбарлигига сийдик тизими касалликларини ташхислашнинг юқори технологик үсувларини, сийдик тош касаллиги, простата безининг хавфсиз гиперплазияси ва уретра структураси бўлган bemorlarни даволашнинг кам инвазив эндоскопик үсувларини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ф.А. Акилов томонидан очик операцияларга муқобил ра-

вишда буйрак ва юқори сийдик йўлларида лапароскопик ва ретроперитонеоскопик операциялар мажмуаси, шу жумладан, буйрак ва сийдик йўллари тошларида реконструктив; эндоскопик ва тери орқали операциялар, уретра структурасида эндоскопик операциялар кенг жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси урологлар илмий жамияти раиси, «Экспериментальная и клиническая урология» (Россия), «Вестник урологии» (Россия) ва «Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси» (Ўзбекистон) журналлари таҳририяти аъзоси, И.К. Ахунбаев номидаги Қирғизистон давлат тиббиёт академияси ва Қозогистон Республикаси академик Б.У. Жарбу-

синов номидаги урология илмий маркази фахрий профессори, Европа урологлар ассоциациясиning аъзоси.

Ф.А. Акилов илмий-услубий ва касбий тайёргарликнинг барча босқичларидан ўтган ва ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга, соғлиқни саклашни ташкил этиш масалаларида юқори эрудицияга эга, давлат томонидан олиб борилаётган стратегия ва сиёсатга мувофиқ мақсадни белгилаш ва вазифаларни амалга ошириш механизmlарини ишлаб чиқишида юқори ташкилотчилик қобилиятини намоён этади. Ф.А. Акилов вазиятни обьектив баҳолаш ва қарор қабул қилишда масъулиятни ўз зими масига олиш қобилиятига эга.

У юқори маълумотли, вазмин, мулоқотчан, ходимлар билан ҳам, беморлар билан ҳам доимо мулоқотга киришувчан, жонқуяр инсон бўлиб, жамоанинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлган ва атрофдагилар орасида обрў-эътибор қозонган.

Тошкент тиббиёт академияси «Урология» кафедраси жамоаси, Ўзбекистон Республикаси урологлар илмий жамияти президиуми, Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам ассоциацияси Фарҳад Атаяуллаевични қутлуғ юбилейи билан табриклаб, унга сиҳат-саломатлик, баҳтсаодат, узоқ умр ва барча эзгуликлар тилайди.